O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TASHQI IQTISODIY FAOLIYATI MILLIY BANKI AJ BEKTEMIR BANK XIZMATLARI MARKAZI

O'ZMILLIYBANK

BEKTEMIR BANKING SERVICES CENTER OF JOINT-STOCK COMPANY «NATIONAL BANK FOR FOREIGN ECONOMIC ACTIVITIES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN»

Toshkent shahri, Bektemir tumani, X.Boyqaro ko'chasi, 15-uy
Tel.: (78) 147-15-48

Tashkent city, Bektemir district, H.Boyqaro street, 15th house
Tel.: (78) 147-15-48

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
«Ўзмиллийбанк» АЖ
Бектемир БХМ
бошқарувчиси
А.Х.Халйигитов

«18» феврал 2026 й. **Тошкент ш.**

"Ўзмиллийбанк" АЖ Тошкент шаҳар Бош бошқармаси 2026 йил 19-январдаги 01-60/09 сонли кўрсатма талабларига ва иш режасига биноан Коррупцияга қарши курашиш йўналишида "Ўзмиллийбанк" АЖ Тошкент шахар Бош бошқармаси мустақил БХМ ходимларининг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш,коррупцияга нисбатан муросасиз мунособатни шакиллантириш бўйича хуқуқий-тарғибот ва профлактик чора-тадбирлар режаси бўйича

ДАВРА СУҲБАТИ баёни

Раислик қилди: Бектемир БХМ бошқарувчисининг 1-ўринбосари - Ф.А.Юнусов

Мажлисни ўтказди: Бектемир БХМ Бошқарувчиси Халйигитов Анвар Хайруллаевич
Бектемир тумани ИИОФМВ ХПВ профилактик катта лейтенант Сурханов Шахзод Бекназар ўғли.
Бектемир тумани ИИОФМВ ХПВ профилактик капитан Уктамов Шахзод Музаффарўғли
Бектемир тумани ИИОФМВ ХПВ профилактик катта лейтенанти Тошпулатов Анзор Фазлиддин ўғли
Бектемир БХМ Хавфсизлик, режим ва ахборотни химоялаш бош бошқармаси бош мутахасиси Мадумаров Набижон Халилович.

Иштирок этганлар: Бектемир БХМ бошқарувчисининг ўринбосарлари, бош бухгалтери, бўлим бошлиқлари, сектор бошлиқлари, касса ходимлари.

Кун тартиби:

"Ўзмиллийбанк" АЖ Тошкент шаҳар Бош бошқармаси 2026 йил 19-январдаги 01-60/09 сонли кўрсатма талабларига ва иш режасига биноан Коррупцияга қарши курашиш йўналишида "Ўзмиллийбанк" АЖ Тошкент шахар Бош бошқармаси мустақил БХМ ходимларининг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш,коррупцияга нисбатан муросасиз мунособатни шакиллантириш бўйича ҳуқуқий-тарғибот ва профлактик чора-тадбирлар режаси бўйича

1. Ўзбекистон Республикаси хоззирги кунда кўпайиб бораётган онлайн савдо остида бўлаётган фирибгарликлардан огоҳ бўлишлик,банкларда бўлаётган кибержиноят билан боғлиқ уюишган жиноятчиликлар ва киберхавфсизликлар бўйича.
2. БХО ходимларига коррупцияга қарши курашиш йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган "Мурожаатномаси" ва ЎРП Админстрацияси раҳбари С.Мирзиёеванинг 2025 ймл 26 июндаг 02-РА 1-9245/43 сонли топшириғи ижроси юзасидан Бектемир туманида замоновий ечимлар орқали коррупция ва жиноятчиликдан холи худудга айлантириш,аҳоли орасида улурга қарши муросасиз мухитни яратиш чора тадбирлари бўйича комплекс "Дастур"да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бартараф этишнинг ташкилий-хуқуқий асослари тўғрисида тушунча бериш.

Эшитилди:

Бектемир тумани ИИО ФМБ НПВ профилактик катта лейтенанти Сурханов Шахзод Бекназар ўғлига берилди.

Тошкент шахар ички ишлар бош бошқармаси Ахборот технологиялари сохасидаги жиноятларига қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан Ахборот сохасидаги ўғирлик ва фирибгарликларни барвақт олдини олиш борасида профилактик сухбат ўтказилди. Сухбатда хоззирги кунда кўпайиб бораётган онлайн савдо остида бўлаётган фирибгарликлардан огоҳ бўлишлик ва ижтимоий тармоқлар орқали келаётган турли хил феейк хабарларга ишонмаслик, криптавалюта биржалари орқали пул маблағларини кўпайтириш таклифи остида фуқораларн ишончига кириб алдаб кетаётганлиги хақида огоҳлантиришлар берилди.

Бектемир тумани ИИО ФМБ НПВ профилактик капитан Уктамов Шахзод Музаффар ўғлига берилди.

Бугунги кунда Коррупция дунё микёсида хал этилиши лозим бўлган глобал муаммолардан бири булиб колмоқда. Ушбу иллат хар кандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий зарар етказиб, инсон хукуқ

ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Шу боис, унга карши курашиш мухим ахамият касб этиб, республикамизда хам долзарб муаммолардан бири хисобланади. Коррупция - ўзига тамагирликни қамраб олган холда жамиятнинг маънавий устунлари хамда демократияни емириб, мамлакатнинг иктисодий- ижтимоий ва сиёсий тараккий этиши учун улкан хавф туғдиради.

Коррупция шахсиинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахслариинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш максадида конунга хилоф равишда фойдаланиши, худди щунингдек бундай нафни конунга хилоф равишда тақдим этиш демакдир Мамлакатимизда коррупцияга карши курашиш ва унинг олдини олиш билан боглик хуқуқий механизмларни такомиллаштиришга каратилган бир катор мухим норматив-хуқуқий хужжатлар кабул килинган. Республикамизда коррупцияга карши курашишнинг хуқуқий механизми яратилган холда 2017 йил 3 январда Узбекистон Республикасининг "Коррупцияга карши курашиш тугрисида"ги Конуни кабул килинди хамда бир қатор норматив-хукукий хужжатларда коррупциянинг олдини олиш ва бартараф этиш буйича чора-тадбирлар белгиланди.

Коррупцияга карши курашишда ахолининг хукук;ий онги ва хукукий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, ходимларнинг хукукий саводхонлигини ошириш Конуннинг бир иечта моддаларида ўз ифодасини топган. Чунки хукукий онг ва хукукий маданияти юксак бўлган ва хукукий таълим ва тарбия жихатдан етук бўлган инсонлар салбий иллат бўлмиш коррупцияга йул куймайдилар. Давлатимиз раҳбари бепарволик, порахўрлик, коррупция, сохтакорлик, мансаб ваколатини суиистеъмол килишга карши кураш бутун жамиятнинг мақсадига айланиши кераклиги тўгрисида таъкидлаб ўтган. Давлат рахбари "Халоллик вакцинаси" ва коррупцияга карши курашишга масъул буладиган алохида орган ташкил этилиши хакида бир неча бор кайд этган эди.

Узбекистан Республикасида коррупцияга карши курашиш тизимини

такомиллаштириш буйича кўшимча чора-тадбирлар тугрисида"ги Фармони кабул килинди ва мазкур хужжат билан янги орган - Узбекистан Республикаси

Коррупцияга карши курашиш агентлиги ташкил этнлди.

Хозирда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга карши курашиш сохасида ахолининг хукуқий онг ва хукукий маданиятини ошириш Агентлик билан бир каторда барча ташкилотларнинг, шу жумладан банкларнинг хам устувор вазифаларидан биридир.

Коррупцияни олдини олишга каратилган ислохотларни амалга ошириш доирасида "Узмиллийбанк" АЖ тизимида хам Банк ходимларининг хукукий онгини ошириш, тарғибот-ташвикот тадбирларини янада жонлантириш хамда самарадорликка эришиш, конун устиворлигини таъминлаш масалаларида устивор вазифа этиб белгиланган.

Коррупция - шундай иллатки, уни бир ёки икки бошқарма ва бўлим, тузилма саъй-харакати билан йўк килиб бўлмайди. Качонки, барча ходимларимиз, жамоа бўлиб унга карши биргаликда курашиб, унинг илдизларини йук килишга киришилсагина ижобий натижага эришиш мумкин. Жойларда коррупцияга карши курашиш сохасидаги ишларнинг холатини мунтазам ўрганиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш доимий вазифа бўлиб колиниши, ходимларнинг хукукий онги ва хукукий маданиятини янада ошириш лозим.

Коррупцияга карши муросасиз кураш олиб борилаётган хозирги даврда Узмиллийбанк Тошкент шахар Бош бошкармаси банк рахбар ходимларининг

хукукий билими ва маданияти даражасига нисбатан алохида талаблар ишлаб чикилганлиги, конунларга хурматсизлик килган рахбарларга нисбатан кагьий чоралар кўриш, хар биримиздан бу борадаги ишларни ташкил этишимизда оқилона, хукукий маданият ва масъулият билан ёндошишимиз хамда ижобий натижаларга эришишимизни тақазо этади. Коррупцияга қарши курашиш хар бир банк ходимининг ички ахлокий-рухий хатги-харакатига ва эътиқодига айланиши керакки, бу коррупцияга карши маърифатнинг ўзагини ташкил килади. Қонун талабларининг тўлақонли амалга оширилиши мамлакатимиз ахолисининг турмуш фаровонлигини оширишга, ривожланиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга хизмат килади. Тўгри ва адолатли карорлар кабул килинса, фукароларнинг бузилган хукуклари тикланса, халкнинг жамиятда адолат, хакикат борлигига ишончи ортади. Унинг акси бўлса, одамлар орасида норозилик ва банкимизга нисбатан ишончсизлик юзага келади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, коррупция ва порахурлик жамият баркарорлигининг мухим асоси булган адолатнинг йўқолишига олиб келади.

Мамлакатимиз мустахкамлиги, халкимиз фаровонлиги, юртнинг ривожи ва гуллаб яшнашини, обод бўлишини истаган хар бир банк ходими пора олиш ва бериш иллатидан халос булиши, бир сўз билан айтганда “халоллик вакцинаси” билан эмланиши керакдир.

Сўз Хавфсизлик,режим ва ахборотни химоялаш бошқармаси бош мутахассиси Мадумаров Набижон Халиловичга берилди.

Ўз навбатида Н.Х.Мадумаров томонидан давлат хизматида коррупция ва унинг бир кўриниши бўлган манфаатлар тўқнашувини бартараф этишда давлат хизматчилари учун ўрнатилган тақиқ ва чеклов масалалари муҳим аҳамият касб этиши, бугунги кунга қадар қабул қилинган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам давлат хизматчилари фаолиятидаги тақиқ ва чеклов масалаларига алоҳида эътибор берилиб, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича вазифалар белгилаб қўйилгани етказилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармонида давлат хизматчилари учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бўйича бошқа механизмларнинг аниқ руйхатини белгилаш билан боғлиқ қоидалар назарда тутилгани тушунтирилди.

Жумладан, Чеклов эса, давлат хизматчилари учун давлат томонидан махсус норматив-ҳуқуқий ёки ички локал ҳужжатлар асосида белгилангани, факатгина муайян тартиб ва мезонлар асосида ваколатлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий чегарасини белгиловчи механизм ҳисобланиши етказилди.

Давлат хизматида бўлган шахслар мамлакатдаги сиёсий вазиятдан катъий назар, ўрнатилган чеклов ва тақиқларга амал қилиши, ҳар қандай вазиятда ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариши, давлат хизматчилари учун ўрнатилган чеклов ва тақиқлар улар томонидан хизматни ўташнинг бутун муддати давомида амалда бўлиши тушунтирилди.

Жумладан, Давлат сирини саклаш, шахсий манфаатлар йўлида хизматдаги маълумотлардан фойдаланишни чеклаш, бошқача айтганда, манфа¬атлар тўқнашувига йўл қўймаслик мақсадида, хатто давлат хизматидан бўшагандан сўнг ҳам давлат хизматчиларига баъзи чекловлар мавжудлиги етказилди.

Давлат хизматчилари учун ўрнатилган чекловлар ва тақиқларга қуйидагиларни киритиш мумкинлиги яъни давлат хизматчиси бошқа хақ тўланадиган меҳнат

фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас (педагогик, илмий фаолият бундан мустасно);

-давлат хизматчилари учун тадбиркорлик фаолияти билан шахсан ёки бошқалар орқали шуғулланиш;

-давлат хизматчиси хизматдан ташқари вақтда моддий-техник, молиявий ва ахборот воситаларидан, давлатнинг бошқа мулкидан ва хизмат маълумотларидан фойдаланиши;

-давлат хизматчиларига жисмоний ва юридик шахслардан мансаб мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мукофот ва совғаларни олиши;

-жисмоний ва юридик шахслар ҳисобидан хизмат сафарига ёки хорижий сафарга бориш;

-давлат хизматчиси хизмат ваколатидан фойдаланиб, давлат органларида жамоат бирлашмаларини (касаба уюшмасидан ташқари) ташкил этиши ёки унинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат килиши мумкин эмаслиги тушунтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонунига асосан давлат фуқаролик хизматчиси қуйидагиларга ҳақли эмас:

ўзаро яқин қариндошликда ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар билан (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат органида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунишига ёки унинг назорати остида бўладиган давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллашга, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

-педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари хақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга;

-тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга;

-тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга;

-тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаришга;

ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олишга;

чет давлат фуқаролигини олишга ва бошқалар;

Хулоса қилиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган шахс давлат фукаролик хизматига қабул қилингандан сўнг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб туриш тартиби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланиши тушунтирилди.

Юқоридаги масалалар атрофлича муҳокама қилинди ва кун тартибидаги масала юзасидан мажлис хайяти

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Ўзмиллийбанки АЖ Тошкент шаҳар Бош Бошқармаси Ахборот хавфсизлиги ва назорати бўйича бош мутахассислари Н.Мадумаровнинг "Давлат хизматида манфаатлар тўқнашувини бартараф этишнинг ташкилий-хуқуқий асослари тўғрисидаги маърузаси ижро учун қабул қилинсин:

2. Ўзмиллийбанки АЖ Тошкент шаҳар Бош Бошқармаси “Бектемир” БХМ нинг барча бўлим бошлиқлари ва ходимлари маърузадан тўғри хулоса чиқарсин ва келгусида коррупцияга қарши курашиш бўйича қуйидаги вазифалар юклатилсин:

а) Барча бўлим бошлиқлари томонидан банки ходимлари билан “Коррупцияга қарши қурашига ва Манфаатлар тўқнашувига оид мавзуларда якка тартибда суҳбатлар ўтказилсин.

3. Ушбу баённома ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Хавфсизлик, режим ва ахборотни химоялаш
бош бошқармаси бош мутахасиси Н.Х.Мадумаров

№	Таништирилди	Имзо
1	Юнусов Фарҳод Абдулҳамидович	
2	Тохтаев Шерзод Элмурадович	
3	Юлдашева Малика Абдуваитовна	
4	Мадумаров Набижон Халилович	
5	Уразалиев Улуғбек Раҳматкулович	
6	Ким Олга Григоревна	
7	Исроилов Дилмурод Одилжонович	
8	Каримов Алишер Бобокулович	
9	Абдуллаев Руслан Абдуллаевич	
10	Махмудов Фурқат Хабибуллаевич	
11	Юнусходжаева Шахло Зоировна	
12	Султонова Матлуба Фарҳадовна	
13	Тоғаева Шахзода Муродилло қизи	
14	Рахмонова Ситора Вохидовна	
15	Баҳриев Илҳом Неъматович	
16	Тўйчиев Даврон Равшан ўғли	
17	Ҳакимбоев Равшанбой Рустамбой ўғли	
18	Ибрагимов Шерзод Қобилжон ўғли	Отпуск
19	Нуралиев Хуршид Нурали ўғли	
20	Ералиева Гулноза Сайфур қизи	
21	Деҳқонов Бобур Акмал ўғли	
22	Абдуназаров Шерзод Алишер ўғли	
23	Хафизов Умиджон Шухрат ўғли	
24	Босимов Ботиржон Шавкат ўғли	
25	Козиева Зулхумор Рустамджановна	
26	Султанов Жавохир Жамол ўғли	
27	Ўктамова Хосиятхон Умар қизи	
28	Шукурова Элнора Исламовна	
29	Рахматова Дилором Ниғматуллаевна	
30	Марупова Ёқутой Егамбердиевна	
31	Газиева Нозима Дилшод қизи	
32	Низомов Мухиддин Исомитдин ўғли	
33	Жуманов Абдуманнон Абдували ўғли	
34	Хамидов Дилшод Дилмурод ўғли	
35	Кенжаева Мехри Акбарали қизи	Отпуск
36	Ахмедова Азиза Алишер қизи	

37	Каримбоева Нигора Қобилжон қизи	
38	Махкамов Қахрамон Тоирович	
39	Джангабулова Наргиза Курманалийевна	
40	Бакиева Дилноза Баратовна	
41	Аҳмадалиева Мадина Гаппаралиевна	
42	Абдуманнопова Дилдора Тоҳировна	
43	Парманова Наргиза Арсеновна	
44	Белденова Гулшат Абдужалиловна	
45	Боқижонова Дилбар Боҳодир қизи	
46	Рауфова Озода Баходир қизи	
47	Нусратова Хусния Сайдулло қизи	
48	Мухиддинова Шодия Дилшодовна	
49	Чоршанбиева Дилноза Уткировна	
50	Тоштемирова Зиёда Мамуржановна	
51	Султонова Дилафруз Рустамовна	
52	Саидова Мастура Абдураҳмон қизи	
53	Абдувалиева Эъзозабону Бахтиёр қизи	
54	Одилова Садоқат Йўлчибойевна	